

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан



06:00 / 11.08.2018 3101

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўйра устида ухлар эдилар, икки ёнларига унинг изи тушиб қолибди. Шунда биз: «Эй Аллоҳнинг расули, сизга тўшак солиб берсак», дегандик, у зот: «Дунё билан менинг нима алоқам бор?! Дунёда мен худди дарахт остида бироз сояланиб, кейин у ерни ташлаб кетадиган йўловчига ўхшайман», дедилар».

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис дедилар.